ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№81 (1034)
2026 йил 22 сентябрь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Президент ташрифидан сўнг

Қорақалпоғистон: янгиланиш ва тараққиётнинг янги босқичида

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг айнан Қорақалпоғистон Республикасига тегишли фармон ва қарорлари асосида ҳудуднинг деярли барча жойларида, ҳатто чекка овул ва элатларида ҳам аввал кузатилмаган янгиланиш ҳамда ривожланиш жараёнлари кўзга ташланмоқда. Бугун ҳудуднинг қайси гўшасига борманг, бунёдкорлик, ободонлаштириш, янги ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва инфратузилма лойиҳаларига дуч келасиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Президент Шавкат Мирзиёев 18-19 сентябрь кунлари навбатдаги ташриф билан Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Икки кунлик сафар давомида давлатимиз раҳбари саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, транспорт, туризм ва спорт соҳаларидаги лойиҳалар, аҳоли бандлигини таъминлаш ва маҳаллаларни ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Шунингдек, бир қатор янги лойиҳаларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимларида иштирок этди.

Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманидаги бир қатор тадбиркорлик субъектларида бўлиб, “ADM Agro” корхонасининг саноатлашган интенсив боғини кўздан кечирди. Шунингдек, “Kegeyli baraka naslli parranda” корхонаси фаолияти ва сўнгги пайтларда ташкил этилган иссиқхона мажмуаси билан танишди.

Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги соҳаси азалдан муҳим йўналишлардан бири бўлиб келган. Айниқса, Нукус тумани деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, асаларичилик ва бошқа соҳалар бўйича анча ривожланган ва ривожланаётган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг тумандаги Дийхан Арна маҳалласига ташрифи ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Бугунги кунда маҳалланинг ривожида унга ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг ҳам салмоқли ўрни бор. Ҳудудда мингдан ортиқ оила, 3 минг 600 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

2 →





республика бўйлаб бир кунда 38 тонна чиқинди тозаланди

19 сентябрь “World cleanup day” – “Бутун Жаҳон тозалик куни” муносабати билан Экология қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги томонидан республика бўйлаб “Ҳаёт учун жой ажратинг” шиори остида оммавий плоггинг эко-акцияси ташкил этилди.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мазкур экотадбир 2018 йилдан бери сайёрамизни оммавий тарзда чиқиндилардан тозалаш мақсадида ўтказилиб келинади. Унда 211 та давлатдан шу пайтга қадар 114 миллион киши иштирок этган. Ҳар йили дунё бўйлаб кенг нишонланиладиган ушбу эко санада Ўзбекистонда ҳам бутун республика бўйича соҳа ходимлари, экофаоллар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида плоггинг акциялари ўтказиб келинмоқда. Бу эко-табдирлар орқали аҳоли гавжум ҳудудларни чиқиндилардан тозалаш анъанага айланган.

Акция Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги томонидан “Фотон”, “UzXCMG”, “AUTO SPEC TECH” корхоналари, UNDP халқаро ташкилоти, “Uztelecom” АЖ ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, вилоят ҳокимликлари, ИИВ, Соғлиқни сақлаш ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Тошкент вилояти “Тоза ҳудуд” ДМ ҳамкорлигида ўтказилди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Чимган” МФЙ ҳудудида ўтказилган эко-тадбирда Агентлик масъуллари, тизим ташкилотлар ва санитар тозалаш корхоналари ходимлари, ёшлар, эко-фаоллар, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этишди. “Бутунжаҳон тозалик куни” тадбирларида республика бўйича 5 минг нафардан ортиқ иштирокчи қатнашиб, улар томонидан жами 39 тоннага яқин чиқинди ҳудудлардан олиб чиқилди. Тўпланган чиқиндилар 45 та махсус чиқинди ташувчи техника орқали белгиланган тартибда бартараф этилди.

Тадбирни Чиқиндиларни бошқариш агентлиги директори ўринбосари Шуҳрат Ҳайдар очиб берар экан, “Бугун ташкил этаётган ушбу тозалик экоакциямиз шунчаки бир кунлик тадбир бўлиб қолмасдан, атроф-муҳитга эътибор ва озодаликка бўлган масъулият ҳар биримизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланишини истардим. Табиатга ғамхўрлик қилишни одатга айлантириш – менинг энг катта орзуларимдан биридир” дея таъкидлади.

Экоакцияда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Лола Раҳманбаева ҳам ўз фикрларини билдириб, шундай деди:

– Асосий мақсадимиз – кенг жамоатчиликнинг чиқиндиларга бўлган муносабатини ўзгартириш ва бу орқали чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш. Аслида, фақат “Бутунжаҳон тозалик куни”да эмас, ҳар куни атроф-муҳитни тоза сақлашимиз лозим. Қувонарли жиҳати, бугунги кунга келиб, бу одатлар ҳар бир фуқаронинг кундалик турмуш тарзига айланиб бормоқда. Ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган атроф-муҳит тозалигига ўзи масъуллигини ҳис қиляпти. Қувонарлиси, бутун дунё бир ғоя, бир шиор атрофида бирлашяпти, бутун жаҳон тозалиги учун ҳисса қўшяпти.

– Бутун жаҳон тозалик куни муносабати билан ушбу тадбирнинг ташкил этилгани ҳамда унда бизнинг компаниямиз вакиллари ҳам иштирок этганидан миннатдормиз, – деди тадбирда иштирок этган “CHINA CAMC ENGINEERING” компанияси вакили Кристина Ван. – Мазкур тадбирнинг атроф-муҳит муҳофазаси билан бир қаторда ижтимоий аҳамияти ҳам юқори. Биз унинг ғояларини, асосий мақсадини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Тадбирнинг муваффақиятли ташкил этилгани ҳамда экологик ташаббусларнинг доимий давом эттирилиши бизда катта ижобий таассурот қолдирди. Бугунги тозалик тадбирларида компаниямизнинг қарийб 80 нафарга яқин ходими, хитойлик ҳамда ўзбекистонлик маҳаллий мутахассислар иштирок этди. Уларнинг бир қисми Тошкент вилоятида, яна бир қисми эса Андижон вилоятида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашди.

Акция давомида иштирокчилар мутасадди раҳбарлар бошчилигида белгиланган ҳудудни чиқиндилардан тозалашди. Жамоавий тарзда 9 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро тозалик учун белашиб, энг фаоллар ғолибликни қўлга киритди.

Якуний натижаларга кўра:

- 1-ўрин – Полигон дирекцияси жамоаси **– 279 кг;**
- 2-ўрин – Аграр университети жамоаси **– 220 кг;**
- 3-ўрин – 172-сонли мактаб жамоаси **– 95 кг.**

Плоггинг давомида “Чимган” МФЙ ҳудудидан жами 822 кг чиқинди йиғилди. Бундан ташқари, ёш эко-фаол рассомлар томонидан атроф-муҳитни озода сақлашга доир суратлар чизилди. Тадбир якунида ғолиб ва совриндор жамоалар, фаол ишитирокчи ҳамда ҳамкор ташкилотлар муносиб тақдирланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон ўтган йили “World cleanup day – 2025” халқаро эко-акцияси доирасида ҳудудлар жами 55 тонна чиқиндидан тозаланган эди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бу каби тадбирлар ҳар биримизда табиатга дахлдорлик ҳиссини уйғотиб, экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтиш орқали чиқиндини айланма иқтисодиётнинг муҳим бўлагига айлантиришга хизмат қилади.

Тўполангда тозалаш ишлари олиб борилмоқда

Тўполанг дарёсининг Тўполанг сув омбори сув чиқариш иншоотидан бошлаб “Зарчоб-1” КГЭС сув тақсимлаш иншоотигача бўлган қисмида дарё ўзанини тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган мазкур тадбирлар сув ўтказиш қобилиятини яхшилаш, сув оқимининг барқарор ҳаракатланишини таъминлаш ҳамда гидротехника иншоотларининг ишончли ва хавфсиз эксплуатациясини кучайтиришга қаратилган.

Тозалаш ишлари давомида дарё ўзанида тўпланиб қолган ҳарсангтош, тош-қум, шағал, шох-буталар ва бошқа табиий тўсиқлар махсус техникалар ёрдамида бартараф этилмоқда. Бу орқали сув оқимининг белгиланган йўналишда эркин ҳаракатланиши учун зарур шароит яратилиши, сув сатҳининг кескин кўтарилиши ҳамда оқим йўналишининг ўзгариши натижасида юзага келиши мумкин бўлган гидродинамик хавфларнинг олдини олиш кўзда тутилган.


Тўполанг дарёсида сув сарфи ва оқим тезлигининг мавсумий ўзгариши, хусусан, кучли ёғингарчиликлар ҳамда тоғли ҳудудларда қор ва музликларнинг эриши даврида сув миқдорининг ортиши дарё ўзанига ва қирғоқларга қўшимча юклама бериши мумкин. Шу боис ўзанни мунтазам назорат қилиш, зарур ҳудудларда тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари гидротехника иншоотлари хавфсизлиги, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва барқарор гидроэнергетик фаолиятни таъминлашнинг муҳим омили сифатида изчил давом эттирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.



uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Қорақалпоғистон: янгиланиш ва тараққиётнинг янги босқичида



1 Жорий йилда инвестиция дастури асосида ҳудудда 4,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 60 ўринлик замонавий боғча барпо этилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетдан 1 миллиард сўм ажратилиб, футбол майдончаси ва болалар учун воркаут қурилмаси ташкил қилинди.

“Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида ҳудудда асаларичилик йўналиши белгилаб олинган. Ҳозирда маҳаллада 20 нафардан ортиқ оила асалари боқиш билан шуғулланмоқда. Ҳар бир оилада 50–100 тадан асалари қутиси мавжуд бўлиб, йилига 1 тоннага яқин асал олинмоқда. Президентимиз бу ерда асалари боқиш, асал етиштириш жараёнлари билан танишди. Асаларичи Бахтиёр Жўбаев хонадонида бўлиб, асални қайта тайёрлаш ва асалари қутиларини тайёрлаш устахонаси ишлари билан танишди. Бу ерда йилига 2 тонна асал қайта ишланиб, сотилмоқда ва 200 миллион сўм даромад олинмоқда. Устахонадан эса 80 миллион сўм даромад олинмоқда.

Ташриф якунида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда ҳудуд учун катта маблағ, имтиёз ва шароитлар яратилганини таъкидлади. Фойда, ер ва мол-мулк солиқлари 2 карра, саноат учун электр тарифи 15 фоизга пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Шунингдек, ўтган йили Қорақалпоғистонга 1 миллиард 700 миллион доллар инвестиция киритилди. Бу 2021 йилдаги кўрсаткичдан 22 карра кўпдир.

Жорий йилда эса Қорақалпоғистон иқтисодиёти энг тез ўсиб бораётган ҳудудлардан бирига айланди. Йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 10,2 фоиз ўсиб, ҳудуд Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринни эгаллади. Қолаверса, сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда 860 мегаваттли янги энергетика қувватлари ишга туширилди. Беруний ва Қораўзакда шамол станцияларининг қурилиши ҳисобига “яшил” энергия улуши 23 фоизга етди. Электр ишлаб чиқариш 4 карра ошиб, 5 миллиард 330 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Бу аҳоли ва корхоналарнинг йиллик талабидан қарийб 3 баробар кўп. Шу билан бирга, 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди.

Жумладан, Қўнғиротда 2 миллиард 600 миллион долларлик, қуввати 1,5 минг мегаваттли шамол станциясини қуриш бошланди. Лойиҳа доирасида 1,5 минг километр юқори кучланишли тармоқ ва 500 киловольтли 3 та подстанция барпо этилади. 2030 йилгача жами қуввати 3 минг 300 мегаваттли шамол станциялари ишга туширилиб, “яшил” энергия улушини 76 фоизга етказиш, шунингдек, 400 мегаваттли энергия сақлаш қувватини яратиш режалаштирилган. Бу билан Қорақалпоғистон “яшил” энергия ишлаб чиқариш бўйича минтақанинг энг йирик марказларидан бирига айланиши кўзда тутилмоқда.

Ҳудудда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиладиган ижтимоий лойиҳалар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманида бу борада муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Бўзатовда замонавий санаторий, Нукусда онкология ва радиология маркази, Қўнғиротда болалар шифохонаси ва туғуруқхона ишга туширилди. Амударё ва Тўрткўлда ҳар бири 2 минг ўринли амфитеатр, Нукус шаҳрида гимнастика маркази ва Консерватория филиали фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, ҳудуднинг транспорт инфратузилмасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Осиё тараққиёт банки билан 384 миллион доллар ҳисобидан А-380 магистрал йўлининг Қўнғиротдан ўтган 240 километри тўлиқ бетон қопламага ўтказилди. Энди йўлнинг Тўрткўл, Элликқалъа ва Берунийдан ўтган яна 92 километрини қуриш бошланди. Мазкур лойиҳанинг қиймати 233 миллион доллар. Натижада транзит 1,5 карра ошиши кутилмоқда. Тўрткўлга кирган юклар Қозоғистон чегарасига бир сутка ўрнига 10 соатда етиб бориши мумкин бўлади. Келаси йил март ойидан Тошкент – Нукус тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилиб, сафар вақти 16 соатдан 7 соатга қисқаради. Шунингдек, “Туямўйин” сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш ва Қўнғиротдан Мўйноққа 100 километр ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари бошланади.

Президент ташрифи чоғида Нукус шаҳрининг “Ашшиқўл” ҳудудида 50 минг аҳолига мўлжалланган “Янги Ўзбекистон” массиви бўлган “Нукус сити” қурилиши ҳам бошланди. Лойиҳанинг келажаги катта бўлиб, бу ерда йирик қурилиш ишлари назарда тутилган. 270 гектар майдонда илғор архитектура ечимлари ва энергия тежамкор технологиялар асосида осмонўпар бинолар, бизнес, савдо ва сервис марказлари, яшил хиёбонлар барпо этилади. Инвестиция лойиҳаларига хориждан салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш режалаштирилган.

Нукусдаги Мустақиллик кўчасининг тун-у кун ишлайдиган масканга айлантирилиши ҳам шаҳар ҳаётидаги муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Бу ерда 28 нафар тадбиркор иш бошлади, 50 нафар тадбиркорнинг фаолияти кенгайди. Натижада бир ҳафтада савдо тушуми 2 карра ошди. Шунингдек, Нур ва Элобод маҳаллалари Олмазорнинг Қичқириқ маҳалласи намунасида обод қилинади. Наврўз байрамигача шу ердаги истироҳат боғида аҳолини жалб қиладиган замонавий маскан барпо этиш вазифаси қўйилди. Кегейлида эса 3,5 километр зовурни ёпиб, 100 та сервис объекти қуриш бошланган. Бунинг ҳисобига 320 та иш ўрни яратилади. Қолган вилоят ҳокимларига ҳам Наврўзгача ўзларига бириктирилган туманларда биттадан маҳалла ва марказий кўчада шундай лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди. Обод қилинган кўча ва маҳаллаларга аҳолининг ўзи баҳо бериши, одамлар маъқул топса, ушбу кўчаларга уларни обод қилган вилоятлар номини бериш таклифи билдирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Нукус шаҳридаги реконструкция қилинган “Турон” стадиони билан танишди. Мажмуанинг янгиланиши ҳудудда оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни саралаш ва спортчиларнинг тайёргарлигини ошириш учун янги имкониятлар яратди. Бу ишлар давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 118,6 миллиард сўмни ташкил этади. Мажмуада 85 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланди. Реконструкция натижасида стадион сиғими 9,3 мингдан 12 минг ўринга етказилди.

“Турон” стадиони “Арал” профессионал футбол клубининг базаси ҳисобланади. Бу ерда Республика футбол академиясининг 190 нафар тарбияланувчиси мунтазам машғулотлар ва ўқув йиғинларини ўтказмоқда. Мажмуада иккита спорт зали ва иккита қўшимча стадион ҳам мавжуд. Академия тарбияланувчилари учун 196 ўринли ётоқхона, 84 ўринли ошхона, тренажёр заллари ва тактик таҳлил хоналари ташкил этилган. Шунингдек, енгил атлетика, бокс ва таэквондо бўйича бир вақтнинг ўзида 100–150 нафар спортчининг шуғулланиши учун шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароитлар билан танишиб, Қорақалпоғистонда спортни, хусусан, футболни ривожлантириш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берди.

Дарҳақиқат, бугун Қорақалпоғистоннинг қайси ҳудудига борманг, ўзгариш ва янгиланишларнинг турли кўринишларига дуч келиш мумкин. Президентимиз қаерга бормасин, кимлар билан мулоқот қилмасин, учрашувларда аҳолининг бугунги ҳаётдан розилиги ва мамнунлиги, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг уларнинг шахсий ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётгани ҳақидаги фикрларини эшитиш мумкин. Мулоқотларда ҳар бир инсон ўзининг келажакда амалга оширмоқчи бўлган режа ва ғояларини ҳам билдирмоқда. Бу эса ҳудудда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар одамларнинг ҳаёти, меҳнати ва келажак режалари билан бевосита уйғунлашиб бораётганини кўрсатади.

Қорақалпоғистондаги бугунги жараёнлар саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, тиббиёт, транспорт, шаҳарсозлик, тадбиркорлик ва маҳалла ҳаёти каби кўплаб йўналишларни қамраб олмоқда. Бир ҳудудда янги корхона иш бошлаётган бўлса, бошқа бир жойда янги йўл, мактабгача таълим муассасаси, спорт майдончаси ёки сервис объекти барпо этилмоқда. Энг муҳими, бу жараёнлар ҳудуднинг чекка овул ва маҳаллаларигача етиб бормоқда.

Бугунги Қорақалпоғистон қиёфасида ана шу ўзгаришларнинг барчаси бир-бири билан уйғунлашиб, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли учун янги имкониятлар яратиш ва замонавий яшаш муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бунёдкорлик ишлари, йирик инвестиция лойиҳалари ва маҳаллалардаги амалий ташаббуслар эса Қорақалпоғистоннинг бугунги қиёфасини янгилаш билан бирга, унинг келажак тараққиёти учун ҳам янги пойдевор яратмоқда.



Замонавий қиёфа кашф этаётган Олмазор

Қичқириқ каналининг бўйида одамлар бемалол сайр қилмоқда. Кимдир ўриндиқда суҳбатлашиб ўтирибди, болалар майдончасида болаларнинг шовқини эшитилади. Бир четда кафе ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаяпти. Каналнинг нариги томонига қарасангиз, яшиллик, йўлак ва ёритиш мосламалари кўзга ташланади.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.
Севинч НОРБОБОЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси.



Бу жойни бир неча йил аввалги ҳолати билан солиштирган одам учун манзара янада таъсирли. Қичқириқ маҳалласи раиси Бахтиёр Юнусовнинг айтишича, канал атрофи илгари қаровсиз ва хилват бўлган, кечки пайт бу ердан ўтишга одамлар чўчиган. Бугун эса бу ер Олмазорнинг одамлар тўпланадиган масканларидан бирига айланмоқда.

Қичқириқ – туманнинг энг кўркам ҳудуди

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган пресс-тур давомида Қичқириқ маҳалласи, Гулсарой кўчаси ва Ёшлик талабалар шаҳарчасидаги ишлар билан танишар эканмиз, турли манзилларда турлича лойиҳаларга дуч келдик. Лекин уларнинг моҳиятида бир жиҳат яққол кўринди: ободонлаштириш бу ерда кўчанинг кўринишини ўзгартириш билангина чекланмаяпти. Одамнинг ўша жойдан қандай фойдаланиши ҳам ҳисобга олинмоқда.

Қичқириқдаги ишларнинг кўлами бунга яққол мисол. Маҳаллани ободонлаштириш ва реконструкция қилиш учун 71,4 миллиард сўм йўналтирилган. Канал бўйлаб 2,4 километрга чўзилган сайилгоҳ, пиёдалар йўлаклари, яшил ҳудудлар, болалар ва спорт майдончалари, дам олиш жойлари бир-бирини тўлдириб турибди. Маҳалла ичидаги кўп қаватли уйларнинг фасадлари ҳам таъмирдан чиқарилган. Рақамлар катта лойиҳанинг кўламини кўрсатади. Аммо унинг мазмунини одамларнинг кундалик ҳаётидан излаш керак.

Бахтиёр Юнусов ҳам гапни айнан шу томондан бошлади:

– Илгари Қичқириқ канали атрофи қаровсиз, хилват ва ўтишга одам қўрқадиган жой эди. Ҳозир бу ер 24/7 режимида ишлайдиган дам олиш масканига айланди. Кафелар, Book-Cafe, болалар ва спорт майдончалари бор. Сайилгоҳдан фақат бизнинг маҳалла эмас, атрофдаги бешта маҳалла аҳолиси ҳам фойдаланмоқда. Маҳалла ичида йўллар асфальтланди, уйлар фасади янгиланди, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Сайилгоҳнинг ўзида ҳам ўзгаришнинг кундалик ҳаётга таъсирини кўриш мумкин. Юзта ўриндиқ, ёритиш мосламалари, иккита фаввора, болалар майдончаси, мини стадион ва амфитеатр ҳудуднинг фақат ташқи қиёфасини эмас, ундан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Еттита хизмат кўрсатиш шохобчасининг ишга тушиши эса 53 та янги иш ўрнини юзага келтирган.

Шу жиҳатдан Қичқириқдаги лойиҳа фақат қурилиш ҳажми билан қизиқ эмас. Қаровсиз қолган канал бўйи аста-секин маҳалла ҳаётининг фаол қисмига айланмоқда. Бу ерда сайр қилиш мумкин, болаларни олиб чиқиш мумкин, спорт билан шуғулланиш, ҳатто китоб ўқиш учун ҳам жой бор. Ҳудудда 400 ўринли Таргет мактаби ва Book-Cafe ҳам фаолият юритмоқда.

Гулнора опанинг боғи

Маҳалладаги ўзгариш ҳақида гап кетганда, Гулнора Ғойибованинг боғига кириб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Гулнора опа Қичқириқ маҳалласида 35 йилдан бери яшайди. Ҳовлисига кирган заҳоти кўзга ташланадиган нарса дарахтлар. У 500 туп кўчат экқан. Тўрт йилдан бери кулолчилик билан шуғулланади. Маҳаллада боғдорчилик, кулолчилик ва тўқимачилик тўгараклари учун шароит яратилганидан мамнун.

Кўп қаватли хонадонлар ҳудудида барпо этилган боғ йирик қурилиш лойиҳаларидан анча кичик бўлиши мумкин. Аммо маҳалладаги ўзгаришнинг одамлар ҳаётига қандай кириб боришини айнан шундай манзаралар яхшироқ кўрсатади. Кўча обод бўлиши бир масала. Одамнинг ўз ҳовлисига дарахт экиши, ҳунар билан шуғулланиши, фарзандини майдончага олиб чиқиши учун шароит пайдо бўлиши эса бошқа масала.

Олмазор тумани Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Саидолим Саидназаров ҳам тумандаги ишларнинг асосий мезони шу эканини қуйидагича таъкидлади:

– Кўчаларни шунчаки таъмирлашга эмас, уларни хавфсиз ва қулай жамоат маконига айлантиришга эътибор қаратмоқдамиз. Шу боис пиёдалар ва велосипед йўлаклари, дам олиш масканлари, спорт ва болалар майдончалари, яшил ҳудудлар барпо этиляпти. Қичқириқ маҳалласида ҳам аҳолини йиллар давомида қийнаган муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилишга ҳаракат қилдик.

Қичқириқдан Гулсарой кўчасига ўтиб, ҳайратимиз янада ортди. Узунлиги 1,6 километр бўлган ҳудуд туризм ва гастрономик йўналишдаги маконга айлантирилмоқда. Шаҳар кўчаси ҳақида ўйлаганда кўпинча йўл, автомобиль ва қатнов кўз олдимизга келади. Аслида эса кўча одам юрадиган, кутадиган, учрашадиган, овқатланадиган, харид қиладиган ва вақт ўтказадиган жой ҳамдир. Гулсаройда айнан шу имкониятларни бир жойга жамлаш мақсади кўзга ташланади.



Талабалар шаҳарчаси – энди оддий транзит ҳудуд эмас

Ёшлик талабалар шаҳарчасига етиб келганимизда эса шаҳар маконининг бошқа бир кўринишига дуч келамиз. Беруний метросидан чиқиб келган одам учун талабалар шаҳарчаси оддий транзит ҳудуд бўлиб қолмаяпти. Илгари “Ақл йўлаги” сифатида фойдаланилган йўналиш ўрнида “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сайилгоҳи” ташкил этилган. Узунлиги 880 метр бўлган сайилгоҳ бўйлаб сервис хизматлари, дам олиш жойлари ва Book-cafe мавжуд.

Бу ҳудуднинг энг қизиқ жиҳатларидан бири эса факультетлар олдидаги етти тематик боғ. Кимё, биология, физика, математика, IT, геология ва энергетика йўналишларига бағишланган боғлар оддий яшил ҳудуд вазифасидан кўра кенгроқ мазмун касб этмоқда. Масалан, биология боғидаги катта мониторларда Ўзбекистон ва жаҳон биологияси намояндалари, олимлар ва илмий кашфиётлар ҳақидаги маълумотлар намойиш этилади. Талаба дарсдан чиқиб, фанига оид маълумотни яна бир бор кўздан кечириши мумкин. Яъни таълим аудиториядан ташқарига, шаҳарчанинг ўзига чиқмоқда.

Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳокими, Олмазор тумани ҳокимининг ўринбосари Фаррух Темиров бу ўзгаришларни шаҳарчанинг умумий қиёфаси билан боғлади:

– Илгари шунчаки пиёдалар юрадиган “Ақл йўлаги” ўрнида “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сайилгоҳи” барпо этилди. Бу ерда саккиз турдаги сервис хизмати ташкил этилди. Факультетлар олдида эса Кимё, Биология, Физика, Математика, IT, Геология ва Энергетика боғлари яратилди. Уларнинг ҳар бири талабага ўз соҳаси бўйича қўшимча маълумот олиш имконини беради.

Ёшлик шаҳарчасидаги яна бир муҳим объект – 1 368 квадрат метр майдондаги вазиятлар маркази бўлди. Бу марказда хавфсизлик ва ҳудудни бошқариш билан боғлиқ жараёнлар рақамли тизим орқали мувофиқлаштирилмоқда. Расмий маълумотларда ҳам марказ талабалар шаҳарчасида хавфсиз муҳит ва рақамли бошқарув тизимини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилгани қайд этилган.

Қичқириқдаги канал бўйи билан Ёшлик шаҳарчасидаги сайилгоҳнинг вазифаси бир хил эмас. Биринчиси, маҳалла аҳолисининг кундалик эҳтиёжига хизмат қилади, иккинчиси эса талабалар ҳаётига боғланган. Гулсаройнинг вазифаси яна бошқа. Шунга қарамай, учала манзилда ҳам битта саволга жавоб изланганини кўриш мумкин: инсонлар бу жойдан қандай фойдаланади?

Режалар катта

Олмазорда 2026 йил давомида яна тўртта маҳаллани реконструкция қилиш, саккизта кўчани 24/7 режимида ишлайдиган кўчаларга айлантириш режалаштирилган. Сарбон кўчасидаги таъмирлаш ишлари ҳам йил якунигача тугатилиши кўзда тутилган.

Қичқириқдаги сайилгоҳдан чиқиб кетаркамиз, канал бўйидаги одамлар яна кўзга ташланади. Кимдир шошмай юрибди, кимдир ўриндиқда суҳбатлашмоқда, болалар эса майдончада овора. Шаҳарсозликнинг катта гаплари, миллиардлаб сўмлик лойиҳалари, километрлар билан ўлчанадиган йўлаклари охир-оқибат мана шу оддий манзарага келиб тақалади. Шаҳар одамга хизмат қила бошлаганида унинг қиёфаси ҳам ўзгаради.

Олмазордаги бугунги манзараларнинг асосий мазмуни ҳам шунда.

Соғлом ҳаёт ва барқарор келажак асоси



Сув – ҳаёт, инсон саломатлиги ва иқтисодий тараққиётнинг асосий манбаидир. Ер юзасининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг 96,5 фоизи шўр сув, атиги 2,5 фоизи чучук сув ҳисобланади. Чучук сувнинг қарийб 99 фоизи музликлар ва ер ости захираларида жойлашгани сабабли, инсон учун осон фойдаланиш мумкин бўлган сув миқдори жуда чекланган.



Жавоҳир БАҲОДИРОВ,
Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси шўъба бош мутахассиси.

Шунинг учун сувни оддий табиий бойлик эмас, балки асралиши ва оқилона бошқарилиши зарур бўлган стратегик ресурс сифатида қабул қилиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. БМТнинг маълумотларига кўра, 2024 йилда ҳам дунё аҳолисининг қарийб 2,1 миллиард нафари хавфсиз ичимлик суви хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга бўлмаган. 2023 йилда эса мазкур кўрсаткич 2,2 миллиард кишини ташкил этган. Бу ҳолат сув таъминоти инфратузилмасини модернизация қилиш, сув сифатини мунтазам назорат қилиш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган фактлардан аёнки, инсон учун сувнинг аҳамияти жуда ҳам муҳим. Лекин бугунги кунда ичимлик сувига бўлган муносабат жуда ачинарли ҳолатга келиб қолган. Уйдаги жўмракни бурашимиз билан сув келишига кўпчилигимиз ўрганиб қолганмиз. Жумладан, ичимлик сувидан беҳуда фойдаланиш, жўмракларни очиқ қолдириш, ичимлик суви билан кераксиз вақтларда дов-дарахтларни суғориш, автомашиналарни ювиш ҳолатлари жуда кўплаб учрамоқда.

Сув ресурсларини, айниқса, тоза ичимлик сувини келгуси авлодларга ҳам етказиш мақсадида ундан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналиши бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 1 133 та таҳлил намунаси олиниб, шундан 20 та ҳолатда ичимлик сувининг O‘zMSt 133:2024 миллий стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 367 та ноқонуний ҳолат аниқланган бўлиб, жумладан, 361 та ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланишлар ҳамда 6 та ҳолатда ҳисоблагич кўрсаткичларини ўзгартириш ёки назорат тамғалари (пломба)га шикаст етказиш ҳолатлари аниқланди. Натижада, қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 2 202 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланган. Аниқланган ноқонуний ҳолатлар ва қоидабузилишлар юзасидан 392 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 1 679,7 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Ўтказилган ўрганишларда ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланишлар оқибатида аниқланган 7 та 3 184 миллион сўмлик ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. 262 та бюджет ташкилоти ўрганилганда, 28 та ҳолатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиги аниқланиб, қоидабузарларга нисбатан 117,1 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ер ости ичимлик сув қудуқларини эксплуатация қилишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши юзасидан 358 та ўрганиш давомида 83 та камчилик аниқланди.

Шунингдек, “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларида ўтказилган 39 та назорат тадбирларида 32 та камчилик аниқланиб, МЖтКнинг тегишли моддалари билан 32 та 170,2 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш соҳасида ижтимоий тармоқлар ҳамда МФЙларда 170 та тарғибот ишлари олиб борилган.

Таъкидлаш керакки, илгари ариқ, сой ва каналлардан оқиб ўтувчи сувлардан турли эҳтиёжларда фойдаланилган бўлса, бугунги кунда очиқ сув манбаларининг маиший чиқиндилар билан ифлосланиши долзарб муаммога айланмоқда. Айниқса, пластик идишлар ва бошқа чиқиндиларнинг ариқ, канал ва сойларга ташланиши сув сифатига ва сув экотизимларига салбий таъсир кўрсатади. Сувнинг ифлосланиши нафақат экологик, балки инсон саломатлиги учун ҳам хавфли.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, 2022 йилда камида 1,7 миллиард киши чиқинди моддалари билан ифлосланган сув манбаларидан фойдаланган, ифлосланган ичимлик суви эса диарея, холера, дизентерия ва бошқа касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлган. Сув манбаларини муҳофаза қилишда аҳолига экологик тушунча бериш билан бирга, чиқиндиларни саралаш, пластик идишларни сув ҳавзаларига ташламаслик, оқова сувларни очиқ каналларга чиқармаслик ва сув сифатини мунтазам назорат қилиш каби чораларни кучайтириш зарур. Дунёда ҳосил бўлаётган оқова сувларнинг катта қисми ҳали ҳам етарлича тозаланмасдан атроф-муҳитга чиқарилаётгани сув манбаларини муҳофаза қилишнинг долзарблигини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, сувни асраш фақат сув таъминоти ташкилотларининг эмас, балки ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Сувга эҳтиёткор муносабатни бугундан, аввало, болалардан бошлаб шакллантириш – тоза сув, соғлом муҳит ва келажак авлод учун энг муҳим инвестициядир.

Натижа ва камчиликлар муҳокама қилинди



Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида навбатдаги муҳокама йиғилиши ўтказилди.

Аббос ЖАББАРОВ,
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Унда ҳудудий инспекция раҳбари Акмал Шукуров, ўринбосарлари, бўлим ва шўъба бошлиқлари ҳамда барча даражадаги ходимлар иштирок этди. Йиғилишда 2026 йил июль-август ойларида амалга оширилган ишлар, шунингдек, фаолият давомида йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, инспекция назоратидаги объектларда ўтказилган мониторинглар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан июль-август ойларида 7 минг 119 та ёзма кўрсатма берилган. Шундан, 6 минг 461 тасининг ижроси таъминланган, 557 таси жараёнда, 101 тасининг ижроси эса ўз вақтида таъминланмаган.

Жорий йил август ойи якунига кўра, инспекциядан рўйхатдан ўтган ва қурилиш жараёнида бўлган 2 684 та объектдан видеокузатув тизими ўрнатилиши талаб этиладиган 453 та объект аниқланган. Уларнинг 420 таси, яъни 93 фоизига жами 1 666 та видеокузатув камераси ўрнатилган. 33 та объектда, яъни 7 фоизида, видеокузатув тизими ўрнатилмаган. Шунингдек, июль-август ойларида 291 та кўп квартирали уй-жойнинг техник ҳолати мониторинг тарзида ўрганилди. Натижада 60 та ҳолатда, яъни 21 фоизда, қонунбузилиш аниқланган. Шунингдек, 251 та кўп квартирали уй-жойнинг ертўла қисми ўрганилиб, 13 та ҳолатда, яъни 5 фоизда, қонунбузилиш қайд этилган. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида туташ ҳудудларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга оид 33 та ҳолат аниқланган.

Йиғилишда мазкур кўрсаткичлар салоҳиятга нисбатан кам эканлиги, назорат тадбирларини янада кучайтириш, мавжуд қонунбузилишларни тўлиқ аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ишларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, 2026 йил август ойида ҳудудий инспекцияга юридик ва жисмоний шахслардан жами 254 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларни ижобий ҳал этиш даражасининг пастлиги, шунингдек, ҳудудий инспекция бошлиғи ўринбосарлари томонидан жойларда сайёр қабулларнинг мунтазам ташкил этилмаётгани танқид қилинди.


Йиғилиш якунида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, назорат тадбирлари самарадорлигини ошириш, мурожаатлар билан ишлашни кучайтириш, фаолиятида сусткашликка йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўллаш ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича масъулларга тегишли вазифалар юклатилди.



Сув таъминоти ва оқова тизимларида ҳудудий ўрганиш

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида объектларнинг белгиланган талаблар асосида фаолият юритиши, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан самарали фойдаланиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлаш доимий назоратни талаб этади.

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Қўшкўпир туманидаги Ёвғур маҳалласида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массиви – янги турар жойлар билан бир қаторда замонавий муҳандислик ва коммунал инфратузилма асосида шакллантирилаётган ҳудудлардан бири. Массивда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида 5,17 километр ўз оқими билан ҳаракатланувчи оқова сув тармоғи, шунингдек, икки линиядан иборат 11,42 километр босимли тармоқ янгидан қурилди. Бундан ташқари, бир неча-кундузда 3 минг куб метр оқова сувни тозалаш қувватига эга бўлган тозалаш иншооти – KOS ҳамда оқова сувларни ҳайдаш иншооти барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур янги инфратузилма объекти Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида ишга туширилди.



Объектда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари томонидан ҳам ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганиш жараёнида оқова сув тозалаш ҳамда ҳайдаш иншоотларининг ишлаш ҳолати, улардан белгиланган талаблар асосида фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, иншоотда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларга объектдан самарали ва тўғри фойдаланиш, технологик жараёнларни белгиланган тартибда ташкил этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Акбар АВАЗОВ,
ҳудудий назорат қилиш инспекцияси шўъба бошлиғи.

Коммунал инфратузилмани барпо этиш билан иш якунланмайди. Ундан тўғри фойдаланиш, тармоқларга қонунчилик ва белгиланган техник талаблар асосида уланиш ҳам тизимнинг узоқ йиллар барқарор хизмат қилишида муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳудудий инспекция ҳамда маҳалла мутасаддилари иштирокида Ёвғур маҳалласи аҳолиси билан учрашув ҳам ташкил этилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг 2025 йил 11 августдаги қўшма қарори асосида маҳаллаларда соҳага оид қонунбузилишларнинг олдини олиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Касбга бугундан қадам

ёхуд янги авлод талабаларига янги имкониятлар

Талабалик даври инсон ҳаётидаги энг муҳим босқичлардан ҳисобланади. Бу даврда олинган билим, орттирилган тажриба ва танланган касб кейинги ҳаёт йўлини белгилаб беради. Бироқ бугунги меҳнат бозори ёш мутахассисдан фақат диплом эмас, балки амалий кўникма, ташаббускорлик, замонавий технологияларни билиш ва касбий муҳитга мослаша олиш қобилиятини ҳам талаб қилмоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шу маънода, Тошкент архитектура-қурилиш университетида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги кўмагида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси оддий ишга жойлаштириш тадбири доирасидан анча кенг мазмун касб этди. Унда талабалар ўз келажаги ҳақида ўйлаш, меҳнат бозоридаги реал талабни кўриш ва иш берувчи билан бевосита мулоқот қилиш имконига эга бўлди.

– Қурилиш соҳаси бугун нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида ҳам муҳим ва жадал ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Бино ва иншоотлар қурилиши кафедраси доценти Лобар Юсупова. – Бу жараёнда соҳа учун малакали ва замонавий билимларга эга кадрлар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади. Университетимиз ҳам ана шу вазифани амалга ошираётган етакчи таълим муассасаларидан бири сифатида талабалар учун “Карьера куни”ни ташкил этди. Тадбирда нафақат битирувчи, балки 2-3 курс талабалари ҳам фаол иштирок этиб, ўз соҳаси бўйича иш ва амалиёт имкониятлари, шунингдек, меҳнат бозоридаги талаблар билан яқиндан танишди. “Карьера куни”да йирик қурилиш компаниялари, лойиҳа институтлари ва ташкилотлар иштирок этиб, ёшларга мавжуд ваканциялар ва ишлаш имкониятларини таклиф қилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг хорижий меҳнат бозорига қизиқиши ҳам ортиб, айниқса, инглиз тилини билиш ва Еврокодлар асосидаги лойиҳаларда иштирок этишга интилиши қувонарли. Бу йўналишда вазирлик билан ҳам тегишли келишувлар амалга оширилмоқда. Тадбирнинг энг эътиборли жиҳатларидан яна бири шуки, ўтган йилги ярмаркалар орқали ишга жойлашган 10 га яқин битирувчи бугун ўзлари таҳсил олган университетга иш берувчи сифатида қайтиб, янги авлод талабаларига имконият таклиф қилмоқда. Бу эса бундай тадбирларнинг самараси қоғозда эмас, балки амалда намоён бўлаётганини кўрсатади.

Диплом ва меҳнат бозори ўртасидаги кўприк

Олий таълим муассасасида ўқиш – касбга тайёргарликнинг бир қисми. Лекин аудиторияда олинган назарий билимнинг ҳақиқий қиймати уни амалиётда қўллай олиш билан намоён бўлади.

Меҳнат ярмаркасининг аҳамияти ҳам шунда. Талаба иш берувчини фақат диплом олгандан кейин изламайди. У ҳали талаба бўлган пайтнинг ўзида меҳнат бозорида қандай мутахассисларга эҳтиёж борлиги, ташкилотлар қандай кўникмаларни қадрлаши, қайси йўналишларда иш ўринлари мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Ярмаркада вазирлик тизимидаги 50 га яқин ташкилот, лойиҳа институтлари, қурилиш, архитектура, лойиҳалаш ҳамда коммунал инфратузилма йўналишларида фаолият юритувчи ташкилотларнинг иштирок этгани бу жараённи янада мазмунини оширди. Чунки талаба учун “иш бор” деган умумий маълумотнинг ўзи етарли эмас. У ишнинг мазмуни, шароити, вазифалари, иш берувчининг талаблари ва келгусидаги касбий ўсиш имкониятлари билан ҳам танишиши керак. Ярмарка ана шу саволларга жавоб излаш учун очиқ майдон вазифасини бажарди.

– Тошкент архитектура-қурилиш университетида жуда муҳим тадбир ўтказилмоқда, – деди университетнинг Архитектура факультети декани Азамат Ҳасанов. – Унда пойтахтдаги йирик архитектура ва қурилиш соҳасига ихтисослашган корхона ҳамда ташкилотлар иштирок этиб, ўзларидаги бўш иш ўринларини талабаларга таклиф қилишди. Бу, айниқса, битирувчи ёшларимиз учун катта имконият. Тадбир давомида ҳар бир ташкилот талабалар билан бевосита мулоқот қилиб, уларнинг портфолиолари билан танишмоқда. Энг муҳими, талаба ўзини қизиқтирган ташкилот ҳақида олдиндан маълумот олиб, ҳали университетда ўқиб юрган пайтидаёқ ўша ерда амалиёт ўташ имкониятига эга бўлади. Бу эса битиргунга қадар тажриба орттириш ва келгусида ўз иш ўрнига эга бўлиш учун муҳим қадам. Ўйлайманки, бугун ташкил этилаётган “Карьера куни” Тошкент архитектура-қурилиш университети ёшлари, айниқса, битирувчи талабалар учун янги имкониятлар эшигини очиб, уларнинг келгуси касбий фаолиятига мустаҳкам замин яратади.

Иш берувчи ва талаба – икки томонлама танлов

Меҳнат ярмаркаси ҳақида гап кетганда, уни фақат талабалар учун яратилган имконият сифатида қабул қилиш тўлиқ тасаввур бермайди. Бундай тадбирлар иш берувчилар учун ҳам зарур. Чунки корхона ва ташкилотлар ўзларига керакли кадрни эртароқ аниқлаш, иқтидорли ёшлар билан танишиш ва уларнинг салоҳиятини баҳолаш имконига эга бўлади. Талаба эса ўз навбатида муайян ташкилотда ишлаш муҳити, вазифалар ва талаблар ҳақида биринчи манбадан маълумот олади.

Ярмаркада талабаларнинг иш берувчилар билан бевосита суҳбатлашгани, амалиёт ва ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида маълумот олгани шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

– “Карьера куни” – жуда яхши ўйланган ташаббус, – деди “Toshkentboshplan LITI” ДМ архитектура-қурилиш бўлими бошлиғи Маҳмуд Мусаев. – Бу тадбир талабалар учун ҳам, биз архитектор ва конструкторлар учун ҳам катта ёрдам. Чунки шу ернинг ўзидаёқ ёш мутахассислар билан танишиб, уларнинг имкониятларини баҳолаш ва ўзимизга керакли кадрларни топиш имкониятига эга бўламиз. Ўтган йили ҳам шундай тадбирда иштирок этиб, университетнинг уч нафар талабасини яъни архитектор ва конструкторларни ишга қабул қилгандик. Бу биз учун “Карьера куни”нинг амалий натижаси бўлди. Бундай тадбирларда кейин ҳам фаол иштирок этамиз. Ҳозир бизга янги мутахассислар, айниқса, муҳандислар керак. Сув таъминоти, оқова сув, газ ва электр йўналишларида билимли кадрларга эҳтиёж бор. Шунинг учун талабалар билан янада кўпроқ ишлаш ва уларга бу имкониятларни кенгроқ етказиш муҳим деб ўйлайман.



Мутахассисни аудитория эмас, муҳит ҳам тарбиялайди

Бугун қурилиш ва архитектура соҳасидаги ўзгаришлар жуда тез кечмоқда. Рақамли лойиҳалаш, замонавий қурилиш технологиялари, шаҳар инфратузилмасини бошқариш, энергия самарадорлиги, “ақлли” шаҳар концепциялари каби йўналишлар мутахассис олдига янги вазифаларни қўймоқда. Демак, замонавий мутахассис бир вақтнинг ўзида ҳам назарияни, ҳам амалиётни билиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, меҳнат ярмаркалари талабага ўз имкониятларини баҳолаш учун ўзига хос мезон ҳам беради. Масалан, талаба ўз соҳасида қайси дастурларни билиши кераклигини, қандай тил кўникмалари талаб этилишини ёки иш берувчи нимани биринчи навбатда эътиборга олишини айнан бевосита мулоқот жараёнида англаб етиши мумкин.

Энг муҳими, бундай учрашувлар талабани “мен диплом олсам, иш топаман” деган қарашдан “мен бугундан бошлаб касбий тайёргарлигимни кучайтиришим керак” деган ёндашувга олиб келади. Зеро, меҳнат бозорида диплом инсоннинг қаерда ўқиганини кўрсатса, унинг амалий салоҳияти нима қила олишини намоён этади.

– Университетимизда ташкил этилган “Карьера куни”да иштирок этиб, ўзим қизиққан йўналиш бўйича бир нечта ташкилотнинг вакансиялари билан танишдим, – деди университет битирувчиси Ўткир Рўзиқулов. – Шу жараёнда “Осиё Бонус Бетон Сервис” МЧЖдаги имкониятлар менда қизиқиш уйғотди ва ташкилот вакиллари билан суҳбатлашиб, ишга жойлашиш имконига эга бўлдим. Мен учун энг муҳими – университетда олган назарий билимларимни амалиётда қўллаш ва ўз соҳам бўйича тажриба орттириш имконияти яратилганидир. “Карьера куни” биз, битирувчи талабалар учун ўзимизга мос иш ўрнини топиш ва келажак касбимизга биринчи қадамни қўйишда катта ёрдам берди.

Аслида, бу жараённи икки томонлама танлов, дейиш мумкин. Иш берувчи ўз жамоасига муносиб кадр излайди. Талаба эса ўз билим ва қобилиятини намоён этиши мумкин бўлган профессионал муҳитни танлайди. Шунинг учун ҳам меҳнат ярмаркаларининг самараси фақат нечта бўш иш ўрни тақдим этилгани билан эмас, балки нечта ёш ўз касбий йўналишини аниқроқ белгилаб олгани, нечта талаба амалиёт имкониятига эга бўлгани ва қанча иш берувчи янги кадрлар билан алоқа ўрнатгани билан ҳам ўлчаниши мумкин.

Бунёдкорликка катта ҳисса қўшган устоз

Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Фарҳод Анарметов 1962 йил 15 март куни Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.



1989 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаб, ўз иш фаолиятини 159-сонли қурилиш трестида 2-тоифали инженер мутахассис сифатида бошлаган. 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Олий бизнес мактаб академиясида Умумий менежмент квалификацияси, Магистр бошқарув бизнеси бўйича ўқишни муваффақиятли тугатган.

Ф. Анарметов мутахасслилиги бўйича соҳада 43 йиллик тажрибага эга. Деярли ярим асрлик фаолияти давомида у кўплаб йирик ташкилотларда масъулиятли вазифаларда меҳнат қилган. 159-сонли қурилиш трестида қурилиш лабораторияси ишчиси, 2-тоифали инженер, катта инженер ва умумий масалалар бўйича бошқарув раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар “1-сон темир-бетон буюмлари” заводида бошқарув раиси, “Тошкент қурилиш механизация” АЖда бошқарув раиси, “Тошсаноат қурилиш” МЧЖда директор ўринбосари ва “Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести” АЖда бошқарув раиси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК директори, “Dong Seung Korea” МЧЖда директор лавозимларида ишлаб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

2018 йилдан бугунги кунга қадар “Westing Tashkent” МЧЖга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Меҳнатсевар, ташкилотчи, ташаббускор устоз шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан Фахрий ёрлиқлар билан бир неча бор тақдирланган. “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги” ва “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги” эсдалик нишонлари соҳиби. Тошкент шаҳар Олмазор туманида депутатлик фаолиятини олиб борган.

1999–2003 йилларда Тошкент шаҳридаги ижтимоий соҳа объектлари, яъни мактаб, боғча ва касб-ҳунар коллежлари қурилишларига завод томонидан қурилиш конструкцияларини етказиб беришда бош-қош бўлган. Хусусан, ушбу йилларда Тошкент шаҳридаги кўп қаватли турар жойлар, “Монетный двор”, “Давлат белгиси” қимматбаҳо қоғоз ишлаб чиқариш заводи, Сенат биноси, Тошкент шаҳар халқаро аэропорти реконструкцияси, Тошкент шаҳридаги 16-сонли тез тиббий ёрдам марказини қайта таъмирлаш, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Дендра парк”, ҳарбий горнизон, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат консерваторяси бинолари, “Ҳазрати Имом” масжиди, “Форумлар саройи”, “Бунёдкор” стадиони каби муҳим объектлар қурилиши ҳамда “Чорсу” бозорини қайта реконструкция қилиш, 2009–2016 йилларда эса Тошкент шаҳрида янги қурилган ва реконструкция қилинган кўприк ва тоннель қурилиши ишларида ҳам фаол иштирок этган.

Ф. Анарметов жамоада соғлом маънавий-маърифий муҳит яратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ва ўз вақтида бажариш, қурилиш объектларида муаллифлик назоратини юритиш ҳамда “Устоз-шогирд” йўналишларида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Бугун унинг шогирдлари ҳам устозлари қаторида юртимиз бунёдкорлиги ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келишмоқда.

Ўз соҳасининг фидойиси, жонкуяр, ташаббускор, меҳнатсевар раҳбар сифатида шогирдлари, ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган фахрий устоз Фарҳод Анарметовга биз ҳам узоқ умр ва саломатлик тилаймиз.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 22 – 24 сентябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Йиғма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Шокир Худайбердиев,**

“Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish Respublika markazi” бош мутахассиси **Жамшид Холиқулов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ТО раҳбари **Нодирхон Набиев,** СМО техниги **Ильмира Разикова,** ООРТР етакчи муҳандиси **Алишер Холмуродов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси бош мутахассиси **Наиля Гарипова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги етакчи мутахассиси **Батирбек Халмуратов,**

Андижон вилояти Марҳамат тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шерзод Бўтақулов,**

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Бухоро вилояти филиали муҳандиси **Шуҳрат Маманазаров,** созловчи **Зариф Усмонов,** Навоий вилояти филиали тракторчиси **Хайриддин Очилов,** қозонхона оператори **Фурқат Дўстов,** чилангар **Икромжон Суюнов,** назоратчи **Шавкат Ўроқов,** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани филиали қоровули **Ерғали Джакибеков,** Янгийўл шаҳар филиали Янгиҳаёт қозонхона қоровули **Шермаҳамат Усмонов,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Меҳриддин Ражабалиев,** етакчи мутахассис **Алимардон Саидхонов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги “Xojeli Kommunal Servis Stroy” БСК МЧЖ бош директори **Саламат Танирбергенов,** Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Буюк Авлод бошқарув компанияси” БСК МЧЖ бош директори **Шаҳноза Тўхтамуратова,** Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги “Қумқўрғон тезкор коммунал БСК” МЧЖ бош директори **Низом Маматқулов,** Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги “Obod Makon” БСК МЧЖ бош директори **Малика Анортаева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 14 августдаги 519-сонли буюртманомасига асосан, “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2026 йил 21 августдаги 72 (1025)-сонида чоп этилган танлов савдоларига 7 та савдо шохобчаси бўйича эълон берилиб, ушбу эълоннинг 2-бўлимидаги 43-31-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси сонини ўзгартириб 44-31-сонли, умумий майдони 12,00 м², деб ўқилсин. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи эълонда кўрсатилган бошқа маълумотлар ўзгаришсиз танлов савдолари ўтказилишини билдирамиз.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 7, 15, 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 11, 25 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога оид саволлар ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 941.
1241 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 20.40 Топширилди – 22.10.